2018 йил 11 апрель, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 68 (13.665)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БАНГЛАДЕШ: ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 10 апрель куни "Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Савдо-саноат палатаси ҳамда Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, кимё, фармацевтика, туризм каби қатор соҳаларда фаолият юритаётган компаниялар вакиллари иштирок этди.

Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари Ислом Жасимов, Бангладеш Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Шаҳриёр Алам ва бошқалар Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасидаги ўзаро ишонч ва тенг манфаатдорликка асосланган савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатнинг сармоявий жозибадорлигини ошириб, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишда хорижий капитал қўйилмаларини кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратилаётганини қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасида Бангладеш инвестициялари иштирокида тузилган 6 корхона фаолият кўрсатади. Бугун бангладешлик тадбиркорлар мамлакатимизда тайёр текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қора металлургия, кимё ва фармацевтика саноатида, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар тақдим этиш соҳаларида фаолият юритмоқда.

Учрашувда меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хорижий компаниялар ва сармоядорлар учун яратилаётган имкониятлар, иқтисодиёт ва валюта бозорини либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берилди. Икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида қўшма корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш, янги ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда чет эллик инвесторлар учун таклиф этилаётган қулайлик ва имтиёзлар юзасидан фикр алмашилди.

Сайёҳлик соҳаси икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг муҳим йўналишларидан. Мамлакатимизга ҳар йили кўплаб бангладешликлар ташриф буюради. Тошкентда ўтадиган сайёҳлик ярмаркаларида Бангладеш фирма ва компаниялари фаол қатнашиб келади.

Мулоқот чоғида иштирокчилар Президентимиз ташаббуси билан туризм соҳасини янада кенгайтириш, янги йўналиш ва тармоқлар ҳисобига сайёҳлик салоҳиятини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништирилди.

Бангладешнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мосуд Маннан Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади.

Тадбирда Ўзбекистон ва Бангладеш тадбиркорлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари муҳокама қилинди.

**Муҳайё ТОШҚОРАЕВА**

***Мамлакат аҳолисига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини талаб даражасида ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 6 июндаги "Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.***

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ҳаракатлар стратегияси 2017-2021



**Тиббиётдаги ислоҳотлар**

## БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Хўш, мазкур ҳужжат ижроси пойтахтимизнинг Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмасида қандай амалга оширилмоқда? Бирлашма фаолиятидан аҳоли мамнунми? Муаммо ва камчиликлар ечими қай даражада ҳал этилаётир?

Тиббиёт бирлашмаси таркибида замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган марказий кўп тармоқли поликлиника ва 7 оилавий поликлиника мавжуд. Бу бирламчи тиббий муассасалар 238 минг 700 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, марказий кўп тармоқли поликлиника қошида болалар ногиронлигининг олдини олиш ва реабилитация қилиш маркази ҳам фаолият юритади. Унда неврологик ва таянч-ҳаракат органлари касал бўлган 16 ёшгача болалар бепул даволанади. Бу ерда даволаниш жараёни беморнинг ҳолатига қараб узлуксиз давом эттирилади. Кундузги стационар тарзида ташкил этилган марказда массаж, физиотерапия, даволаш-жисмоний тарбия ва бошқа хоналар бор. Эътиборлиси, марказ фаолиятидан фарзандлари шифо топаётган ота-оналар жуда мамнун.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ҳолатини пухта ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларининг шахсий масъулиятини ошириш талабларидан келиб чиқиб, бирлашма тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик кучайтирилмоқда. Бу эса аҳолини бирламчи профилактик, патронаж ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказишда ижобий натижалар бераётир. Беморлар текширувларда аниқланган касалликлар бўйича марказий кўп тармоқли поликлиникада тор доирадаги бош мутахассислар кўрик-маслаҳатига ташхисни аниқлаштириш ва кейинги даволаш ишларини сифатли ташкиллаштириш мақсадида юборилаяпти. Бундан ташқари, бирлашма туманда жойлашган Тошкент шаҳар 2-тери-таносил касалликлари, Тошкент шаҳар силга қарши, онкология, наркология диспансерлари, 7-туғруқ комплекси, 5-юқумли касалликлар клиник шифохонаси билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

– Президентимизнинг 2017 йил 6 июндаги қарорига мувофиқ, аҳолининг патронаж ва профилактик кўриклари, ижтимоий аҳволини ўрганиш билан бирга, касалликларни эрта аниқлаш, сурункали ҳолатларни, ногиронлик ва эрта ўлим ҳолатларининг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди бирлашма бошлиғи Ҳотам Мирзажонов. – Ўз навбатида, бу ишларда маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамкорлиги ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, оилавий поликлиникаларда ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ходимлари иштирокида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими, бу борада бажарилган ишлар сарҳисоб қилинмоқда. Туман оилавий поликлиникаларида иш соатлари 8.00 дан 20.00 гача узайтирилгани, врач қабули бўйича талон системасининг жорий қилингани ҳамда оилада кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёни ташкил этилгани, оилаларни патронаж тизими билан тўлиқ қамраб олиш ишларига эътибор кучайтирилгани бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизими такомиллашаётганидан далолатдир.

Туман бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида аҳоли ўртасида олиб борилаётган патронаж ва профилактик кўриклар комплекс чора-тадбирлар ҳисобланади. Чунки бу жараёнда ҳар бир хонадоннинг тиббий-ижтимоий ҳолати ўрганилади. Фуқаролар профилактик, чуқурлаштирилган, диспансер ва мақсадли тиббий кўриклардан ўтказилади.

Аҳолини патронаж ва профилактик кўрикдан ўтказиш бўйича тузилган йўриқномага кўра, бугунги кунда ҳомиладор аёллар патронажи ва 1 ёшгача болалар патронажи ҳар ойда 1 марта, янги туғилган чақалоқлар ва оналар 42 кун ичида 3 марта, эмланган болалар 3 кунда 1 марта, ёлғиз, ётиб қолганлар ва ногиронлар ҳар ойда бир марта, профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар йилига 1 марта ташкил этилмоқда. Шунингдек, патронаж вақтида саломатлигига салбий таъсир этувчи омиллар, зарарли одатлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва тиббий маълумоти етарли бўлмаган оилалар аниқланиб, уларнинг рўйхати тузилди. Тизимда профилактик тиббий кўрик ҳам ўз вақтида ташкил этилиб, унда туман аҳолиси йилда бир маротаба тиббий текширувлардан ўтказилмоқда.

– Кейинги пайтда аҳоли саломатлиги ва улар орасида тиббий маданиятни оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалий аҳамият касб этмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Чилонзор туманининг 6-даҳасида яшовчи Зилола Йўлдошева. – Тиббий муассасалар фаолияти, шифокорлар масъулияти кучайтирилгани ва аҳолининг ўз соғлиғига бефарқ бўлмаётганида бу ишлар натижасини кўриб турибмиз. Бирлашмага қарашли оилавий поликлиника рўйхатида турамиз. Очиғини айтганда, патронаж ва профилактик кўриклар ташкил этиш ишлари жуда яхши йўлга қўйилмоқда. Қизим Муслимани яна текширувга олиб келдим. Шифокорлар тавсияси билан бир неча марта массаж олдик. Ҳозир анча яхши. Бунинг учун қўли енгил шифокору ҳамширалардан миннатдормиз.

Таъкидлаш зарурки, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизимини такомиллаштириш соғлом авлодни тарбиялаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолида тиббий этика ва деонтология, санитария-гигиена кўникмаларини шакллантириш, туғма патология ва ирсий касалликларни камайтиришда муҳимдир.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

## МУРОЖААТЛАР АСОСИДА ЯНГИ ҚАРОР ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

***Сифатли маҳсулот тановул қилсангиз, дилингиз яйрайди. Аммо бунинг акси бўлса-чи? Тобингиз қочиб, пулингизни соғлиғингизни тиклашга сарфлайсиз. Масалан, сут маҳсулотларидан бўлган сметанага бир томчи йод қўшилганда ранги ўзгармаса, истеъмолга яроқли. Агар ранги ўзгарса, соғлиқ учун зарарли.***

Хўш, бугунги кунда мамлакатимизга четдан олиб келинаётган истеъмол маҳсулотлари сифати етарли даражада назорат қилиняптими? Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари саломатликка не чоғли фойдали? Улар талабга жавоб берадими? Истеъмол товарлари бўйича янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганми?

"Ўзстандарт" агентлигида бўлиб ўтган давра суҳбатида айнан шундай долзарб масалалар ҳақида сўз юритилди.

Агентлик бош директори А.Каримов ва бошқалар мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар ишлаб чиқариш ва истеъмол товарлари турининг ошишига олиб келаётгани, бу жараён эса истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, маҳсулотлар сифати ҳамда уларни таҳлил қилиш назоратини кучайтириш талабини қўяётганини таъкидлади.

"Ўзстандарт" агентлиги Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонунлари ижросига алоҳида эътибор қаратади. Бунда аҳоли ўртасида истеъмол маданиятини ошириш мақсадида амалдаги ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим масаладир.

Тадбирда таъкидланганидек, кейинги пайтда четдан олиб келинаётган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари орасида сифати талабга жавоб бермайдиган маҳсулотлар ҳам учраб турибди. Таҳлилларга кўра, истеъмолчилар харид қилган айрим сут маҳсулотларининг сифатсиз, саломатлик учун зарарли бўлган "Lift gel activateur" деб номланган юз гели таркибидаги N-нитрозодиэтиламин (NDELA) моддаси хатарли ўсмалар пайдо бўлишига олиб келиши аниқланган.

– Ички бозордаги бундай ҳолатлар натижасида агентлигимизга жисмоний ва юридик шахслардан 132 та мурожаат келиб тушди, – дейди бошқарма бошлиғи Ж.Мелибоев. – Уларда айрим маҳсулотлар сифатсиз ва қалбаки бўлиб, истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари поймол қилинаётганини баён этган. Албатта, бундай ҳолатлар бўйича агентлигимиз маҳсулотлардан намуналар олиб, таҳлил қилмоқда ва тегишли чора-тадбирлар кўрмоқда. Жумладан, истеъмолчиларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида "Савдо объектларида сотилаётган товарлар сифати ва хавфсизлиги мониторингини амалга ошириш ва нуқсонли бўлган товарлар тўғрисида ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот базасини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этдик. Бу лойиҳа маъқулланса, ички бозордаги маҳсулотлар сифатини тўлиқ ўрганиш ва инсон саломатлигига зарарли бўлган истеъмол товарлар сотувининг олдини олишда жамоатчилик назоратини жалб этишга эришилади.

Тадбирда иштирокчилар мавзу доирасидаги саволларга мутахассислардан жавоб олди.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Термизда жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида миллий ахборот медиа маконини ривожлантиришда журналистнинг ўрни ва масъулияти, давлат дастурлари ижроси доирасида вилоятда амалга оширилаётган ишларни кенг оммага содда ва халқчил тилда етказиш, соҳада кадрлар муаммоси ва мавзуга оид бошқа масалалар муҳокама этилиб, тегишли таклифлар билдирилди.**

**• Андижон вилояти Марҳамат туманида "O'zLiDeP кутубхонаси – менинг нигоҳимда" деб номланган акция бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналаридан иборат китоб ярмаркаси ҳамда "Турон" ўқув марказида кутубхона ташкил этилди. Иштирокчи ва меҳмонлар учун ўқув маркази тасарруфидаги музейга экскурсия уюштирилди.**

**• Гулистонда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросига бағишлаб ўтказилган ёш рассомлар асарлари кўргазмаси "Устозлар изидан" деб номланди.**

**• Наманган шаҳридаги "Мегаполис", "Шодлик", Мингбулоқ туманидаги "Шердор", Норин туманидаги "Норин Алкабир люкс", Тўрақўрғон ва Уйчи туманларидаги "Макро" каби йирик савдо мажмуаларида аҳолини табиий ва техноген хусусиятли ҳамда ёнғин билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ёки содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлашга қаратилган махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.**

**• Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасида "Тоза ҳаво" тадбирининг жорий йилдаги биринчи босқичини ташкил этишга бағишланган семинар ўтказилди. Вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокимлиги масъуллари, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Германиянинг "Люфтганза" авиакомпанияси томонидан бир кунлик иш ташлашнинг амалга оширилиши муносабати билан жаҳоннинг турли мамлакатларига 800 га яқин рейслар бекор қилинди.**

**• АҚШнинг Скотсдейл шаҳарчасида авиаҳалокат рўй берди. Полиция ходимларининг маълумотларига қараганда, кичик моторли Piper PA-24 Comanche русумли самолётнинг ҳавога кўтарилиши билан тез орада гольф майдонига қулаб тушиши натижасида йўловчиларнинг барчаси ҳалок бўлган. Самолёт қулаган ерда эса ҳеч кимга зарар етмаган. Ҳозирда бу ерда қутқарувчилар ва мутахассислар ишламоқда, авиаҳалокат сабаблари аниқланмоқда.**

**• Гиннесснинг Рекордлар китоби мутахассислари томонидан Япония шимолида жойлашган Хоккайдо оролида истиқомат қилувчи Масадзо Нонайка ер куррасидаги энг кекса эркак дея эътироф этилди. Гиннесснинг Рекордлар китоби вакили таваллуд топганига 112 йилу 259 кун бўлган Нонайканинг хонадонига бориб, унга махсус сертификат топширди. Таъкидлаш жоизки, жаҳондаги энг кекса аёл ҳам японияликдир. Яъни, Кагосима музофотида истиқомат қилувчи Наби Тадзима бу йил 117 баҳорни қаршилади.**

***2017 йил 10 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.***

# Пўлат БОБОЖОНОВ:

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИ, ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

*Ўтган бир йилда фармон ижроси доирасида қандай ишлар қилинди? Соҳада инсон ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, тергов тизими, жазони ижро этиш муассасаларида қандай ўзгаришлар амалга оширилмоқда?*

*Бу саволларга жавоб олиш мақсадида ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-майор Пўлат БОБОЖОНОВ билан суҳбатлашди.*

– Президентимизнинг ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан оширишга қаратилган фармони тизимда ислоҳотларнинг тамоман янги босқичини бошлаб берди, – дейди П.Бобожонов. – Фармонда тизимни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходим “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи, деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш вазифаси белгилаб берилди.

Хўш, халқ манфаатларига хизмат қилиш нимани англатади?

Бу тушунчанинг доираси кенг бўлиб, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ватанимиз тақдири ва келажаги, халқимизнинг бахту камоли каби олижаноб мақсадлар йўлида барчамиз белни маҳкам боғлаб ишлашимизни, бор ақл-заковат, билим ва тажрибамизни, юртимизга меҳр ва садоқатимизни сафарбар этишимизни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасига эътибор кучайтирилгани жиноятчилик камайишига замин яратди. Осойишталик барқарорлиги жамият ривожига хизмат қилмоқда. Бу эса, биринчи навбатда, фуқароларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

**– Ислоҳотлар давомида ички ишлар органларида жиноятларни тергов қилиш жараёнига қандай янгиликлар киритилди? Улар қандай натижа бермоқда?**

– Ички ишлар вазирлигининг барча соҳавий хизматлари қатори тергов тузилмаларида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда.

Вазирлик ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларида сўроқ қилиш жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек, тергов ҳаракатларини аудио-видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган замонавий махсус хоналар ташкил этилди.

Бу, энг аввало, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Инсон шаъни ва қадр-қиммати камситилиши ҳамда қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймаслик, тергов қилиш жараёнида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда далиллар мақбуллиги талабларига қатъий риоя қилишга эътибор кучайди. Жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турлари каби ноқонуний усулларни қўллашни бартараф этишга қаратилган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Айниқса, вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳларга тергов жараёнида кўрсатилиши мумкин бўлган салбий таъсирлар, уларнинг стресс ҳолатига тушиб қолиши, руҳияти жароҳатланишининг олдини олиш учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Хоналар ўртасида ўрнатилган “гезелла” ойнаси гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жабрланувчи ва гувоҳлар, жумладан, вояга етмаганлар билан тўғридан-тўғри алоқасини чегаралаган ҳолда, сўроқ қилиш, шахсни таниб олиш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш имконини бермоқда. Бундай хоналарда вояга етмаган шахснинг кўрсатувлари видеоёзувга олинади ҳамда тергов ва суд жараёнларида уни қайта сўроқ қилмасдан ушбу видеоёзув орқали танишиб чиқиш мумкин бўлади.

Тергов жараёнларини ислоҳ қилишда Президентимизнинг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур фармонда процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан олинган кўрсатувлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, руҳий ва жисмоний тазйиқ ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда олинган кўрсатувлар ҳам ана шулар қаторига кириши алоҳида кўрсатилган.

Ички ишлар органлари тергов идораларида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча шаҳар-туман-тармоқ ички ишлар органлари тергов бўлинмаларидаги хизмат компьютерларига жами 1 минг 832 та веб-камера ўрнатилди. Ушбу қурилмалар орқали терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов ҳаракатлари жараёнларини қайд қилиб бориш амалиёти жорий этилди.

Шунингдек, процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди.

Ушбу фармонда қўйилган вазифалар мазкур соҳага оид қонун нормаларини қайтадан кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо қилди. Хусусан, 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 230-1 ва 230-2-моддалар билан тўлдирилди. Терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни ҳамда тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш) учун жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик, ёлғон хабар ва гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Ўз навбатида, жиноят-процессуал қонунчилигига ҳам фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган далилларга оид қатор янги талаблар киритилди.

Юқоридаги талаблар ички ишлар органлари тизимида фаолият кўрсатаётган барча суриштирувчи, терговчи, эксперт ва бошқа масъул ходимларга тушунтирилди. Бундай ҳолатларга йўл қўйган ҳар қандай ходим тегишли жавобгарликка тортилиши қатъий белгиланди.

**– Ушлаб турилган, қамоққа олинган, жазо ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?**

– Ушлаб турилган, қамоққа олинган, жазо ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлашнинг ишончли механизмларини жорий этиш борасида бир неча йўналишда, жумладан, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Улардан бири – бу ўзини ҳозиргача самарали восита сифатида намоён қилган видеокузатув тизимидир. Унинг юқори профилактик хусусияти ва таъсирчанлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юқоридаги фармон эълон қилингандан буён ўтган вақт мобайнида мавжуд вақтинча сақлаш ҳибсхоналари 1 минг 814, тергов ҳибсхоналари 123, махсус қабулхоналар 25 ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар учун мўлжалланган реабилитация марказлари 283 замонавий видеокузатув воситаси билан жиҳозланди. Кузатувни амалга ошириш ва маълумотларни қайд этиш учун зарур миқдорда монитор ва серверлар ўрнатилиб, тўлиқ фойдаланишга топширилди.

Ушбу видеокузатув воситаларидан 965 таси шахсларни вақтинча сақлаш камераларига, 327 таси тергов ҳаракатларини ўтказиш ва адвокатлар билан учрашув хоналарига, 364 таси йўлакларга, 161 таси маҳбуслар сайр этадиган ҳудудларга, 307 таси муассасалар атрофига ҳамда 121 таси шахсни кўздан кечириш жойларига ва ошхоналарга ўрнатилган. Кўриб турганингиздек, бутун муассаса ҳудудида маҳбусларга нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллашнинг олдини олиш чоралари кўрилган.

ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси тасарруфидаги 1-тергов ҳибсхонаси мисолида оладиган бўлсак, бу ерда жами 357 видеокузатув мосламаси ўрнатилган. Замонавий услубда бунёд этилган, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган ушбу муассасада адвокатлар, терговчилар учун алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган. Мазкур хоналар 67 кузатув камераси билан жиҳозланган. Бундан ташқари, таниб олиш хонаси, экспертиза тадқиқоти учун намуналар олиш хонаси, гувоҳлар учун хона мавжуд.

Муассасада маҳбуслар яқинлари билан учрашиши учун етарлича жой ажратилиб, барчаси жиҳозланган. Фуқароларни қабул қилиш хонаси ҳам ишлаб турибди. Маҳбусларнинг камераларида уларнинг дам олиши, овқатланиши, ювиниши ва бошқа эҳтиёжлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Тергов ҳибсхоналаридаги терговчилар хоналарига видеокамералар ўрнатилишидан асосий мақсад, тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида ноқонуний усуллар қўлланишига йўл қўймасликдир. Айни пайтда бу жиноят процесси иштирокчилари томонидан терговчини асоссиз равишда турли ноқонуний хатти-ҳаракатларда айблаш каби ҳолатларнинг ҳам олдини олади.

Адвокатлар хонасининг видеокамералар билан жиҳозланиши эса қонунга зид ҳаракатларнинг олдини олиш билан бирга, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни ҳам кўзлайди. Шунингдек, муқаддам судланиб, суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш учун махсус хоналар ташкил этилган.

Маълумот ўрнида шуни ҳам айтиш керакки, ўрнатилган видеокузатув воситалари, монитор ва серверлар учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари махсус жамғармаси ҳисобидан 5,2 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, 2017 йил мобайнида Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларининг маҳкумлар ётоқхоналарига 50 та, Навоий вилоятидаги бундай муассасаларнинг маҳкумлар ётоқхоналарига эса 34 та замонавий видеокузатув мосламаси ўрнатилиб, ишга туширилди. Бундан кўзланган мақсад, жазони ўтаётган шахслар ички тартиб-қоидаларга риоя этишини узлуксиз назорат қилиб бориш ҳамда улар бир-бирининг ва муассаса ходимлари маҳкумларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилишининг олдини олишдир. Ҳозирги кунда бошқа жазони ижро этиш муассасаларида видеокузатув мосламаларини ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

Тергов ҳибсхоналарининг кириш дарвозаси ва йўлакларга, маҳбусларнинг камераларига ҳам видеокузатув воситалари ўрнатилди. Бунда нафақат маҳбуслар, балки терговчи ва адвокатларнинг ҳам хатти-ҳаракатлари кузатув остида бўлади. Мансабдор шахслар ва муассаса ходимларининг ҳибсхонада сақланаётган маҳбусларга нисбатан ҳар қандай ноқонуний муомала-муносабати қайд этилади ва уларга нисбатан тегишли чора кўрилади.

Шу ўринда мулоҳаза учун рақамларга эътибор қаратсак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали 2018 йилнинг биринчи чорагида ички ишлар органларига тааллуқли 22 минг 690 мурожаат келиб тушган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 минг 835 тага кам, демакдир. Мурожаатларнинг камайишига тергов ҳибсхоналари ва махсус қабулхоналарда сақланаётган, реабилитация марказларига келтирилган шахслар, шунингдек, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича кўрилаётган тизимли чоралар ҳам муҳим омил бўлган, деб ҳисоблаймиз.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бундан буён Ўзбекистонда ҳибсга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш, руҳий ҳамда жисмоний босим ўтказиш, бошқа ғайриинсоний зўравонликка мутлақо йўл қўйилмайди. Бундай ҳаракатларни содир этган ходим ёки кимнингдир “буюртмаси”ни бажарган ҳар қандай шахс, ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар қонуний жазога тортилади.

Зеро, ҳар қандай фуқаро, у маҳкум бўладими ёки маҳбус, аввало, инсондир. Қолаверса, у ҳам шу халқнинг, шу юртнинг фарзанди. Ҳар бир шахс жиноят содир этган бўлса, қилмишига яраша қонунга мувофиқ жазога тортилади. Лекин уни қийнашга, таҳқирлашга, ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Аксинча, ҳар қандай шароитда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатланишини таъминлаш ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаларидан биридир. Соҳа ходимлари ушбу эзгу мақсад йўлида бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди**

# ИННОВАЦИОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

***Президентимиз топшириғи асосида инновацион давлат хизматлари кўрсатиш янада кенгаяди ва бу халқимиз учун катта қулайликлар яратади***

Бирор идорага борганда навбат кутиб қолишдан ёмони йўқ. Айниқса, ҳозирги тезкор, ахборотлашган замонда буни қабул қилишнинг ўзи қийин.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тобора кенгаймоқда. Аммо шунга қарамай, навбат кутиш, кўп вақт йўқотиш, ортиқча харажат қилиш, бюрократик ҳолатларга дуч келиш каби ҳолатлар, афсуски, ҳамон учраб турибди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилишда юқоридаги каби ҳолатларга чек қўйиш мақсадида мутасадди идораларга инновацион давлат хизматларини янада кенгайтириш вазифасини топширди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? ЎзА мухбири ушбу масалада вазирликка мурожаат қилди.

– Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида контактсиз шакллардан фойдаланишни фаоллаштириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янги талқини ишга туширилди, – дейди вазирлик масъул ходими Элбек Долимов. – Ягона портал орқали 360 дан ортиқ электрон хизмат кўрсатилмоқда. Ушбу хизматлардан фойдаланиш учун 1,9 миллиондан ортиқ ариза келиб тушди. Бу билан аҳолининг кўп вақт сарфлаши, сарсон бўлиши, сарф-харажат қилишининг олди олинди.

Идоралараро интеграцион платформа орқали давлат органларининг 60 дан ортиқ ахборот тизими ўртасида ўзаро онлайн тарзда маълумот алмашинуви йўлга қўйилди. Бир ой давомида 2 миллиондан зиёд, кунига ўртача 70 мингга яқин маълумот давлат хизматлари доирасида электрон кўринишда тақдим этиб келинмоқда. Идоралараро ҳимояланган маълумотлар узатиш тармоғи давлат ташкилотларига ўзаро хавфсиз ахборот алмашинувини таъминлаб бериш мақсадида яратилган ёпиқ тармоқдир. Бугунги кунда ушбу тармоққа 50 дан зиёд давлат органлари ахборот тизими уланган.

“Лицензия” ахборот тизими комплексида 16 давлат лицензияловчи органи, 14 маҳаллий давлат ҳокимияти органи, 16 мингта лицензия ва 58 мингта рухсатномалар ҳақида маълумот жойлаштирилган. Мисол учун, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамда Давлат ветеринария қўмитаси ушбу тизим орқали лицензия олиш учун топширилган аризаларни кўриб чиқиш жараёнини тўлиқ автоматлаштирди. Натижада 1,5 мингдан зиёд ариза автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан талаб юқори бўлган 26 хизматни электрон шаклга ўтказиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда ишлаб чиқилган давлат хизматлари Регламентларига асосан Ягона интегратор “UZINFOCOM” томонидан ушбу давлат хизматларини босқичма-босқич Ягона порталга жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Адлия вазирлиги ва Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда ўз ичида 8 ахборот тизими, маълумотлар базалари, ҳимояланган маълумот узатиш тармоғи ва Давлат хизматлари марказларини техник жиҳозлаш (видеоконференц алоқа, электрон навбат, видеокузатув тизими, инфокиоск ва бошқа) бўйича Концепция ва Техник топшириқ ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Бундан ташқари, вазирлик томонидан Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғини такомиллаштириш ва идоралараро интеграцион платформага улаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу вазифалар бугунги кунда ишлаб чиқилган 2018-2021 йилларда “Электрон ҳукуматни ривожлантириш” стратегияси лойиҳасида белгиланган.

Идоралараро маълумот узатиш тармоғини такомиллаштириш ва барча туман ҳокимликларини унга улаш ҳамда 350 километр оптик толали алоқа линияларини ётқизиш ишлари бошланган. Жорий йилда давлат органлари томонидан электрон давлат хизматлари кўрсатишни автоматлаштириш бўйича 20 дан ортиқ электрон ҳукумат тизимининг ахборот тизимлари яратилиши белгиланган.

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ҳамда юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал этиш мақсадида жорий йилда қуйидагилар амалга оширилади:

давлат хизматлари марказлари ва давлат идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш давлат хизматлари марказларида фойдаланилаётган 8 ахборот тизими ва маълумотлар базасини (электрон навбат тизими, давлат хизматлари кўрсатиш мониторинг тизими, давлат хизматларини баҳолаш тизими ва ҳ.к.) интеграция қилишни кўзда тутувчи Ягона ҳимояланган ахборот платформаси яратилади;

ташкил этилган давлат хизматлари марказларида 26 та давлат хизматларини жорий этиш лойиҳаси доирасида идоралараро маълумот алмашинувини автоматлаштириш мақсадида Электрон ҳукумат тизимидаги 20 дан ортиқ ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари интеграцияси таъминланади;

электрон ҳукумат тизими орқали кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва тўловлари учун тўловлар ҳисоб-китобларини амалга оширишга мўлжалланган ягона автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоб тизими яратилади ва жорий этилади.

Аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг инновацион усуллари кенгаётгани уларга катта қулайлик бўлиб, ортиқча вақт ва маблағ сарфлашнинг олдини олади, муҳими, ортиқча қоғозбозликларга бутунлай барҳам беради.

**(ЎзА)**

## Янги қонун кучга кирди

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИДАГИ БЕҚИЁС ЎРНИ

### энди уни дунёга танитиш учун ҳуқуқий асос янада мустаҳкамланди

Президентимиз томонидан куни кеча имзоланган ва 2018 йил 4 апрелда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти Уставини (Боку, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги қонуни шу мақсадга хизмат қилади.

Аввало, Ислом ташкилоти ва унинг қайси йўналишда фаолият юритишига тўхталиб ўтсак.

Ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг ихтисослаштирилган муассасаси ҳисобланади. Ташкилотнинг қароргоҳи Марокаш қироллигининг Работ шаҳрида жойлашган. Теҳрон (Эрон Ислом Республикаси) ва Шаржа (БАА) шаҳарларида минтақавий офислари мавжуд.

АЙСЕСКОнинг иш тиллари араб, инглиз, ва француз тилларидир.

АЙСЕСКО Устави Ўзбекистон Республикаси томонидан 2017 йил 26 августда имзоланган. Мазкур Устав муқаддима ва 22 моддадан иборат. Уставнинг 4-моддасига мувофиқ, АЙСЕСКОнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

аъзо давлатлар ўртасида таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш;

шунингдек, мазкур соҳаларни инсонпарвар ислом қадриятлари нуқтаи назаридан ривожлантириш ва яхшилаш. Турли воситалар ёрдамида, жумладан, таълим, фан, маданият ва коммуникация орқали аъзо давлатларда ҳамда улардан ташқарида халқлар ўртасида ўзаро ҳамфикрликни жамлантириш ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка эришишга ўз ҳиссасини қўшиш;

Ислом дини ва маданиятининг тўғри шаклини тарғиб қилиш. Маданиятлар, халқлар ва динлар ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга кўмаклашиш. Ислом маданияти нуқтаи назарига мувофиқ, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари принциплари билан бир қаторда, адолат ва тинчлик қадриятларини оммалаштириш йўналишида иш олиб бориш;

аъзо давлатларда маданий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда маданий ҳамкорликни рағбатлантириш ва маданий ранг-бaranгликнинг турли жиҳатларини қўллаб-қувватлаш;

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳасидаги ихтисослаштирилган муассасалари ҳамда АЙСЕСКОга аъзо давлатлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш. Уларнинг уйғунлиги ва бир-бирини тўлдириб туришига эришиш. Ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган шу каби муассасалар билан ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

аъзо давлатларнинг таълим тизимлари ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш. Уларнинг бир-бирини тўлдириб туришини таъминлаш ва бошқалар.

Уставда, шунингдек, АЙСЕСКО органларининг мақоми, аъзолик ва кузатувчи мақомини олиш тартиби, мансабдор шахсларнинг ваколатлари, Ташкилот фаолиятининг молиявий жиҳатлари белгиланган.

Уставнинг 6-моддасига мувофиқ, ИҲТга аъзо бўлган ҳар бир давлат Уставни расмий имзолангандан кейин ҳамда юридик ва ҳуқуқий расмий тартиб-таомиллар бажарилгач ҳамда АЙСЕСКО Бош дирекцияси ёзма шаклда хабардор қилингач, АЙСЕСКО аъзосига айланади.

Ўзбекистон томонидан Уставнинг ратификация қилингани таълим, фан ва маданият соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг янада ривожланишига кенг йўл очиши шубҳасиз. Мазкур ҳужжат маданий-гуманитар соҳада Ўзбекистон эришган ютуқларни кенг тарғиб қилишда яна бир ҳуқуқий замин бўлди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг Ислом маданияти ривожидаги беқиёс ўрнини ёритиш, қадимий тарихимиз ва маданий меросимиз билан таништириш, АЙСЕСКО доирасида Ўзбекистон алоқаларини кенгайтириш имконини беради.

Уставнинг ратификация қилингани Тошкент ислом университети қошидаги АЙСЕСКО махсус кафедрасининг тўлиқ фаолиятини таъминлашга йўл очди. Бу, ўз навбатида, унинг ривожланишига кўмаклашади. Мазкур кафедра ИҲТ га аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтказилган 43-сессиясида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган. Бу ташаббус мазкур кенгашнинг навбатдаги сессиясида қўллаб-қувватланган.

**(ЎзА)**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz



***Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 206-умумтаълим мактабида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Яшнобод тумани кенгаши ташаббуси билан “Фарзандимга китоб совға қиламан” мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.***

# КИТОБ – ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, партия ходимлари, профессор-ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда халқимиз, айниқса, ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини ошириш, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларда мутолаа маданиятини қарор топтириш борасида самарали ишлар қилинаётгани таъкидланди.

Шунингдек, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида кўрик-танловлар ўтказишни йўлга қўйиш муҳим экани қайд этилди.

Тадбир доирасида китоб кўргазмаси ташкил этилиб, ёшларга ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ҳақида маълумот берилди.

Мактабда аъло баҳоларга ўқиб, ташкилий ишларда фаол иштирок этадиган ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Г.БОБОЕВА**

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XV илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***

# ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртларидан 90 га яқин академик ва профессорлар, ёш олимлар иштирок этган анжуманда буюк алломаларимизнинг илмий мероси ва фалсафий қарашларини ўрганиш, меъморий ёдгорликлар тарихи, шарқ халқлари адабиётининг оммалашуви ва маънавий-бадиий қирралари, ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотлар жараёни, шарқшунос олимларнинг ҳаёти ва ижоди каби долзарб масалаларда маърузалар тингланди.

– Конференциянинг анъанавий тарзда ўтказилиши ёш олим ва тадқиқотчилар малакасини ошириш, уларни илмий жараёнларда кечаётган ўзгаришлар билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори Баҳром Абдуҳалимов. – Ёш олимларнинг маърузалари ҳақида устозлар илиқ фикр билдирди ва айримлари қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Бундай илмий машваратлар ёш олимларнинг келгуси илмий фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, фалсафа фанлари доктори А.Эркиновнинг академик Азиз Қаюмов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган маърузаси анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбир якунида энг яхши маъруза муаллифлари рағбатлантирилди.

**(ЎзА)**

## ЭЪТИРОФ:

# МАТЕМАТИКА, АЛГЕБРА АЛ-ХОРАЗМИЙДАН БОШЛАНАДИ

***Тошкентда Муҳаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1235 йиллигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда 10 га яқин давлатдан келган ва юртимиздан олимлар, соҳа мутахассислари, илмий тадқиқотчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Т.Тешабоев ва бошқалар мамлакатимизда иқтисодиётнинг инновацион тараққиётини таъминлаш, илм-фан ва кадрлар тайёрлашнинг ролини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Президентимиз қарорига кўра, 2018 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1235 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланаётгани бобокалонимизнинг буюк ва бебаҳо меросини қадрлаш, асраб-авайлаш, ёш авлод онгига чуқур сингдиришда муҳим омил бўлаётир. Шунингдек, ёшларга таълим-тарбия бериш ва илм-фаннинг юксак марраларини забт этиш учун шароит яратиш ҳамда юртимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқ ва соҳалари учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда.

VIII-IX асрларда яшаб ижод этган улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларга доир кўплаб рисолалар ёзган. У “ноль” рақамини ва ўнлик саноқ тизимини ҳамда қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берган ва амалиётга татбиқ этган. Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанига ва алгоритмлаштириш назариясига асос солган, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиққан.

Ўнлик саноқ тизими, алгебра ва алгоритмлаштириш йўналишларида дунё илм-фани ривожидаги хизматлари кенг эътироф этилади. Унинг номи “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди. Бугунги кунда юқори технологияларга асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бажарилаётган барча ҳисоблаш амалларига буюк олим Муҳаммад ал-Хоразмийнинг илмий кашфиётлари асос бўлиб хизмат қилмоқда.

– Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бажарилаётган барча ҳисоблаш амалларининг негизида буюк ватандошингиз Муҳаммад ал-Хоразмийнинг илмий кашфиётлари ётгани нафақат ўзбек халқига, балки ҳаммамизга ғурур-ифтихор бағишлайди, – дейди Исроил давлатининг Холон технология институти доктори Яков Даматов. – Конференция иштирокчиларидан бири асли математика, алгебра ал-Хоразмийдан бошланади, деган фикрни айтди. Дарҳақиқат, у нафақат ўз даврининг, балки барча замонларнинг ҳам энг буюк математигидир. Айниқса, ҳозирги даврда шиддат билан тараққий этаётган рақамли инновацион дастурларга ҳам Ал-Хоразмийнинг илмий кашфиётлари асосдир.

Конференцияда телекоммуникация, ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиётимиз ривожидаги роли, муаммолар ва уларнинг ечимлари, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва хавфсизлиги масалалари сингари кўплаб долзарб мавзулар кўриб чиқилди.

Конференция доирасида семинарлар ташкил этилиб, унда электрон тижорат, “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш борасида ахборот технологияларидан фойдаланиш, “Ахборот кутубхонаси ва архивлар” йўналишининг инновацион ривожланиши, ихтисослаштирилган дастурий ва аппарат ишланмаларидан иқтисодиётнинг реал тармоқларида фойдаланиш, ахборот хавфсизлиги муаммолари, “ақлли” ва “хавфсиз” уйларни лойиҳалаштириш ҳамда замонавий педагогика ахборот технологиялари бўйича оригинал тадқиқотлар ўрганилди. Шунингдек, телекоммуникация тизимлари, рақамли телевидение, радио, симсиз алоқа технологиялари, радиотехника ривожланиши истиқболлари ҳақида фикр юритилди. Ахборот технологиялари учун назарий асосни таъминловчи аналитик материаллар ва илмий ишлар муҳокама қилинди.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МУЛОҚОТ

***Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида АҚШ Давлат котибининг инсон ҳуқуқлари, демократия ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчисининг ўринбосари Рэнди Берри бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.***

Мулоқот чоғида марказ директори Акмал Саидов делегация аъзоларига мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида маълумот берди.

Президентимиз ташаббуси билан давлат бошқаруви ва жамиятни ислоҳ қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани, суд-ҳуқуқ тизими, қонун ижодкорлигини таъминлашнинг миллий ва халқаро стандартлари ҳаётга фаол жорий этилаётгани ушбу йўналишда ҳам юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини тўлиқ бажариб келмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг тегишли органлари, ихтисослашган тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. 2017 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн, дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид мамлакатимизга ташриф буюрди. “Human Rights Watch” халқаро нодавлат ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик, ЕХҲТ кўмагида амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг очиқ ва ошкоралик тамойилларига таянган ҳолда, халқаро тажриба асосида олиб борилаётганига ёрқин мисолдир.

Учрашувда давлат бошқарувини демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Меҳмонларга мамлакатимизда турли миллат ва дин вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, қонун ижроси ва давлат бошқаруви устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Учрашувда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, бошқарувнинг барча соҳаларида демократик тамойилларни татбиқ этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг камситилишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар ижроси, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

“Тараққиёт стратегияси” марказида бўлиб ўтган мулоқотда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг ўрни каби масалалар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда адлия вазири ўринбосари М.Истамов, Бош прокуратура халқаро ҳуқуқий бошқармаси бошлиғи У.Неъматжонов ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар белгиланганини мамлакатимизда фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Рэнди Берри Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида рўй бераётган ўзгаришларга юқори баҳо берди. Амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш асносида ўзаро тажриба алмашишнинг йўлга қўйилиши ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканини таъкидлади.

Мулоқот давомида суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида эришилган натижалар юзасидан фикр алмашилди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**



# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

***“ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди ва “Меҳр ва мурувват” жамоат фонди томонидан Юнусобод машинасозлик ҳамда 1-Республика тиббиёт касб-ҳунар коллежларида “Экология ва ёшлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

Ёшларнинг экологик билим ва маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш мақсадида ўтказилган тадбирда мазкур ўқув масканлари ўқувчилари, педагоглари, фонд вакиллари ҳамда маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Тадбир аввалида иштирокчиларга атроф-муҳитни асрашга қаратилган видеороликлар намойиш этилди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олдилар ҳамда табиатни асраш борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи директори Дилмурод Сайдамов, 1-Республика тиббиёт коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Умида Шукурова, биология фани ўқитувчиси Зулхумор Миралиева, “Меҳр ва мурувват” фонди раис ўринбосари Анвар Юнусов, “ЭКОСАН” фонди тадбирлар ва семинарлар ўтказиш бўйича лойиҳа мутахассиси Миркарим Мирсовуров сўзга чиқиб, бугунги ўтказилаётган тадбирларнинг ўқувчиларнинг экологик тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

“ЭКОСАН” ва “Меҳр ва мурувват” жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди лойиҳаси доирасида чоп этилган “Экология асослари”, “Экологик тарбия ёки атроф-муҳитга нисбатан муносабат” адабиётларини ушбу ўқув муассасаларининг Ахборот ресурс марказларига ўқувчиларнинг малакасини оширишда фойдаланиш мақсади учун тақдим этилди.

Тадбир сўнгида коллеж боғида ўқувчилар билан биргаликда “ЭКОСАН”нинг “Анъаналарни тикла – дарахт эк!” шиори остида кўчатлар экилди.

**Гулноза ЖАЛИЛОВА,**
**“ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди бош мутахассиси**

# АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР – ЁШЛАР НИГОҲИДА

***Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги 5-академик лицейда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур тумани Кенгаши томонидан “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” шиори остида “Тошкент – меҳмондўст шаҳар” ёшлар фестивали ташкил этилди.***

Ёшлар қалбида миллий ғоя, миллий урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган фестивалда маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, олий таълим муассасалари бошланғич ташкилот етакчилари, иқтидорли-фаол талабалар, санъаткорлар ва ОАВ ходимлари қатнашди.

Тадбирда тумандаги 8 касб-ҳунар коллежи, 4 академик лицей ва 2 мактаб жамоаси юртимиздаги турли ҳудудлар анъаналарини кўрсатиб беришди. Иштирокчилар урф-одатларимиз акс эттирилган саҳна кўринишлари, ҳудудларнинг тарихий сиймоларини гавдалантира олиш маҳорати, ош чемпионати, варрак учириш бўйича маҳоратларини намоён этишди.

— Миллий урф-одатларимизни ёшлар қалбига чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган ушбу лойиҳанинг кенг кўламли эканлиги ёшлар маънавияти, қадриятларга бўлган ҳурмат-эътиборда ўз аксини топмоқда, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтоҳур тумани Кенгаши раиси Ж.Арслонов. — Бугунги кунда ёш авлодни ота-боболаримиздан бизгача мерос бўлган халқ ўйинларида иштирок этишлари юртимизда ёш авлод тарбиясига қаратилган эътиборнинг яққол намунаси, десак муболаға бўлмайди. Ушбу фестивалда туманимизнинг 51 та бошланғич ташкилот етакчилари ва Сардорлар Кенгаши аъзолари иштирок этди. 4500 нафардан ортиқ ёшни ўз атрофида бирлаштирган “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” фестивали доирасида “Сумалак сайли”, “Ҳар бир ёшга бир ниҳол”, “Қабристонда ҳашар” ҳамда “Миллий халқ ўйинлари” лойиҳалари намунали тарзда ўтказилди.

Осмон узра баланд парвоз қилган варракларни кўриб кўзинг қувнайди, жўшқинлик, шижоат, азму ғайрат кўнглида барқ уриб турган ёшларимиз ҳақиқатан бизнинг эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучлари эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ёшларнинг тақдимотларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Дошқозонда қайнаётган сумалак тадбирга янада кўтаринкилик бахш этди.

Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган фестиваль сўнгида “Тошкент – меҳмондўст шаҳар”, “Сумалак сайли”, “Ҳар бир ёшга – бир ниҳол”, “Қабристонда ҳашар” ҳамда “Миллий халқ ўйинлари” лойиҳалари ғолиблари ҳамда фаол иштирок этган таълим муассасасига ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлиқлари тақдим этилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод туман ҳокими маҳкамаси Молия бўлимининг Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 40-уй манзилидаги бинонинг учинчи қаватида жорий таъмирлаш ишлари бўйича 146 000 000 сўм маблағга электрика, сантехника ва канализация, темир эшиклар ўрнатиш ишлари учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Юнусобод туман ҳокими маҳкамаси Молия бўлимининг Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 40-уй манзилидаги бинонинг учинчи қаватида жорий таъмирлаш ишлари бўйича 150 000 000 сўм маблағга бинонинг ички қисмини таъмирлаш ишлари учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Бектемир туманидаги 30-сонли мусиқа мактабининг синф хоналарини жорий таъмирлаш ишлари учун 32 800 000 сўмга

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Давлат фармацевтика институти томонидан 2016 йилда Миразимова Венера Габрашитовна номига берилган №11837 рақамли малака оширилганлиги ҳақидаги сертификат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

***Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонлиги томонидан давлатимиз чегаралари ҳудудлари бўйлаб пресс-тур ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад, чегарачиларнинг халқимиз хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги машаққатли хизматини кенг жамоатчиликка етказишдир.***

## САЙЁҲЛАР ОҚИМИ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАН БУГУНГИ КУНДА ДАВЛАТИМИЗ ЧЕГАРАЛАРИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Пресс-тур дастуридан Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонлиги тарихи музейи билан танишиш ҳам ўрин олди. Журналистлар, шунингдек, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортининг чегара назорати пунктлари ҳамда Қозоғистон билан чегарада жойлашган "Ғишткўприк" пункти ва Термиз дарё портида бўлди.

2017 йилда 22 миллиондан ортиқ фуқаро чегара назорати пунктларидан ўтган, уларнинг 7 миллионга яқини чет эл фуқароларидир. Ушбу пунктларда 920 мингдан зиёд транспорт воситаси, жумладан, 400 мингдан ортиқ чет эл транспорт воситалари текширувдан ўтказилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам Ўзбекистон, ҳам чет эл фуқароларининг мамлакатимизга келиб-кетиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ортгани кузатилмоқда.

Ўтган йили 32 миллиард сўмлик қийматдаги моддий бойликлар мамлакатимизга ноқонуний равишда олиб кирилиши ва юртимиздан олиб чиқиб кетилишининг олди олинган, 48,971 килограмм гиёҳванд модда, 285 дона қурол-яроғ, 1 миллион 880 минг АҚШ доллари миқдоридаги валюта ушлаб қолинган.

Бугунги кунда юртимизда 69 та кириш ва чиқиш чегара назорати пункти мавжуд бўлиб, уларнинг 49 таси халқаро, 14 таси икки томонлама, 6 таси соддалаштирилган назорат тартибига эга чегара назорати пунктларидир. Чегара назорати пунктларининг 38 таси автомобиль йўлларида, 18 таси темир йўллар, 12 таси аэропортлар ва биттаси дарё портида жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Шахслар, транспорт воситалари ва товарларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом ҳамда 2018 – 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларини техник воситалар билан жиҳозлашни такомиллаштириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланган.

Масалан, пойтахтимиз аэропорти ҳар ҳафта, чартер рейсларни ҳисобга олмаганда, 155 мунтазам авиарейсларни қабул қилади. Йўловчиларнинг паспортини текширувчи назоратчилар икки сменада ишлайди, 50 иш ўрни мавжуд.

Маълумки, Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига кўра, дунёнинг 39 мамлакати билан визасиз тартиб жорий этилди, туристик фирмалар учун катта солиқ имтиёзлари яратилди. Бу эса, мамлакатимиз янада кўп сайёҳ қабул қилишга тайёр эканини билдиради. Пойтахт аэропортига ташрифимиз чоғида мазкур жараёнга пухта тайёргарлик олиб борилаётганига ишонч ҳосил қилдик.

Хусусан, маҳаллий йўналишларга хизмат қилган собиқ аэропорт биносида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда, ишлар якунлангач, бу ерда авиайўловчилар паспортини текшириш бўйича 24 иш ўрни яратилади.

Биз Москвадан келган йўловчилардан бирини суҳбатга тортдик.

– Илгари паспорт назоратидан ўтиш ва юкимизни олиш учун кўп кутиб қолар эдик, – дейди шаҳрисабзлик Улуғбек Маҳмудов. – Тошкент аэропорти биносида қўшимча назорат кабиналари ташкил этилганидан сўнг аҳвол анча яхшиланди. Хорижий меҳмонларга ҳам бу манзур бўлмоқда.

Чегерадан ўтишда автомобиль йўлидаги "Ғишткўприк" чегара назорат пунктидан фойдаланаётганлар ҳам соҳадаги ўзгаришларни кенг эътироф этмоқда. Чимкентга узатган қизиникига бориб қайтаётган самарқандлик Эшмамат Раҳимов "Ғишткўприк" чегара назорат пункти бўлган ўзгаришлардан мамнунлигини билдирди.

– Чегарадан ўтиш жараёнлари сезиларли даражада соддалашгани учун Президентимиздан миннатдорман, – дейди оқсоқол. – Ўзаро мулоқот, маданий алоқалар учун шундай ажойиб имкониятлар яратилаётганидан бутун халқимиз хурсанд.

Шундан сўнг Ўзбекистон ҳарбий-ҳаво кучлари ҳарбий-транспорт самолёти ОАВ вакилларини Термиз шаҳрига етказди. Бу ерда биз Афғонистон билан чегарани қўриқлаш тартиби билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик. Журналистларга хизмат итлари ёрдамида шартли чегарабузарларни ушлаш, дарё чегарасини жанговар катерлар ёрдамида қўриқлаш, чегарани қўриқлашда учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш, дарё портида чегарадан ўтиш тартиби намойиш этилди.

Сафар якунида Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари, Чегара қўшинлари қўмондони полковник Ойбек Қосимов журналистларга эсдалик совғалари топширди.

**Аблай КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири**



**Футбол янгиликлари**

## "БУНЁДКОР" — ЯККА ПЕШҚАДАМ

***Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVII миллий чемпионатининг 5-тур баҳсларидан кейин Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги "Бунёдкор" жамоаси 13 очко жамғарган ҳолда турнир жадвалида карвонбошилик қилмоқда.***

Ушбу турда Зарафшонда "Қизилқум" клуби меҳмони бўлган "Бунёдкор" жамоаси муҳим уч очкони қўлга киритди. Тенгма-тенг, муросасиз кечган баҳсда 84-дақиқада Ж.Иброҳимов томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган ягона гол тошкентлик футболчиларга 1:0 ҳисобидаги ғалабани туҳфа этди.

Турнинг марказий ўйинларидан бири Бухорода "Бухоро" ҳамда "Пахтакор" жамоалари ўртасида кечди. Мухлисларга ҳаяжонли лаҳзаларни туҳфа этган ушбу баҳсда ҳам ўйин тақдирини биттагина гол ҳал қилди. Биринчи бўлим якунланишига 3 дақиқа қолганида майдон эгалари ҳужумини терма жамоага номзод футболчи С.Куттибоев самарали якунлаб, "Пахтакор" дарвозасини аниқ нишонга олди. Ушбу гол ўйин охирига қадар ягоналигини сақлаб қолди. Якунда 1:0 ҳисобида зафар қучган Улуғбек Бақоев бош мураббийлигидаги "Бухоро" жамоаси очколари сонини 9 тага етказиб, пешқадам клублар сафига қўшилиб олди.

Шу кунгача бор-йўғи 4 очко жамғариб, турнир жадвалининг 8-поғонасида бораётган "Локомотив" ўз майдонида "Қўқон – 1912" жамоасига қарши майдонга тушди. Шиддатли, қизиқарли кечган баҳсда томонлар муроса йўлини танлашди. Ўйин 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунига етди. Ушбу дурангдан сўнг совринли ўринлар учун курашишга аҳд қилган амалдаги чемпион "Локомотив" ҳам, "Қўқон – 1912" жамоаси ҳам муҳим очколардан маҳрум бўлишди.

Қолган баҳслар қуйидагича якунланди: "Нефтчи" — АГМК — 1:3, "Металлург" — "Сўғдиёна" — 2:0, "Навбаҳор" — "Насаф" — 0:0.

Бешинчи турдан сўнг турнир жадвалининг энг юқори поғонасида "Бунёдкор" бораётган бўлса, "Қалдирғоч"лардан 4 очко кам жамғарган "Пахтакор", "Насаф", "Металлург", "Бухоро" командалари 2, 3, 4, 5-ўринларни банд этиб туришибди. Турнир жадвалининг энг қуйи поғоналарини "Нефтчи" ва "Сўғдиёна" командалари эгаллаган.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Корхона ва ташкилотлар диққатига!**

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ўзининг тасарруфидаги Миробод тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 9-10 уй манзилида жойлашган биносига шаҳар телефон тармоғига уланиш учун (ТПП 10х2х0.4 РШ 233-30дан) то биногача кабель тортиб бериш ҳамда интернет алоқасига уланиш учун оптик сим тортишга ва VPN хизматига (ЭАТС-233ГПдан) уланиш мақсадида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ишларнинг бажарилиш муддати тўлов амалга оширилгандан сўнг 15 календарь куни.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А уй. Тел.:, **241-77-29.**

Факс: **239-35-01.**

E-mail:kanc@kadastr.uz

Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

**Корхона ва ташкилотлар диққатига!**

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси канцелярия молларини харид қилиш бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Канцелярия молларининг рўйхати бошқарманинг E-mail: info@kadastr.uz сайтида эълон қилинган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А уй. Тел.:, **241-77-29.**

Факс: **239-35-01.**

E-mail: kanc@kadastr.uz

Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси ва туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига қуйидаги товар-моддий қимматликларни харид қилиш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Бектемир шоҳ кўчаси.
Маълумот учун телефон: 230-32-48

**ЭЪЛОН (ТАЛАБНОМА)**

| № | Маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш номи | Ўл. бир. | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Гилам, палос, дорожка | кв.м | 200 |
| 2 | Офис учун оқ қоғоз А4 80г. | упаковка | 2 000 |
| 3 | Музлатгич ARTEL | дона | 3 |
| 4 | Товар моддий захиралар ва хўжалик моллари | тўплам | Бошқарма, туман (шаҳар) ДХМ марказларига |
| 5 | Оргтехника жиҳозлари (компьютер, принтер, сканер, МФУ, UPS, аудио, видео ва бошқалар) | тўплам | Бошқарма, туман (шаҳар) ДХМ марказларига |
| 6 | Видео кузатув камераларини ўрнатиш хизмати | тўплам | Бошқарма, туман (шаҳар) ДХМ марказларига |
| 7 | Ўт ўчириш-қўриқлаш сигнализация жиҳозларини ўрнатиш хизмати | тўплам | Бошқарма, туман (шаҳар) ДХМ марказларига |
| 8 | Мавжуд оргтехника жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш хизмати | тўплам | Бошқарма, туман (шаҳар) ДХМ марказларига |
| 9 | Сейф, темир шкаф (ШК4, ШК5) | дона | Бошқарма, туман (шаҳар) ДХМ марказларига |
| 10 | Сервер шкаф | дона | 1 |
| 11 | Ултрабук (HP Spectre X360 contertible) | дона | 1 |
| 12 | Телефон планшет SAMSUNG S9 | дона | 1 |


**"101"**

## "ЁНҒИНЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ" ТАДБИРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ

***Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келган бўлишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдиради.***

Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкилотлар бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозлик ҳам ёнғинга сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

**Р.ТУХТАМУРОДОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ЎМОЁХТБ муҳандиси, сержант**

* * *

***Аҳолининг яшаш уйи, кўча майдонлари, турли масканлар атрофларидаги қуриган ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларини махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб кетиш ўрнига осонгина ёқиб юборилади.***

Оқибатда эса арзимас бўлиб кўринган гулханлар, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, болалар шўхлиги оқибатида инсонлар тан жароҳати олади, моддий зарар келтирувчи, катта талафотларга олиб келувчи ёнғинлар содир бўлади. Ёнғинлардан нафақат моддий, балки атроф-муҳит об-ҳавосига зарарли таъсир, турли заҳарли газлар, ёнган ўтлар ўрнида эса қора тусга кирган, дилни хира тортишига сабаб бўлувчи ёқимсиз манзара қолади.

Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир фуқаронинг ўз яшаш уйида, унинг атрофи, кўча-кўйда, раҳбарият томонидан эса корхона ва ташкилотларда жиддий эътибор қаратилиши, ёнғинларнинг олдини олишга, шу билан бирга шаҳримиз гўзаллиги, ободонлаштирилишига ўз ҳиссасини қўшишга хизмат қилади.

**Шерзод ВАЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ "Маърифат маркази" ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант**

* * *

***Маълумки, баҳор келиб, кунлар исиши билан юртимизда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошланиб кетади. Бунда хавфсизлик, айниқса, ёнғин хавфсизлигига амал қилиш қурувчиларнинг ҳаётига бўладиган таҳдидларнинг олдини олади.***

Пайвандлаш ишини бажариш жараёнида пайвандчи турли хил хавфлардан ҳимояланиш мақсадида махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари ва ишончли иш қуроллари билан таъминланиши зарур. Пайванд ишлари ёпиқ биноларда ўтказилганда хонага шамоллатиш қурилмалари ўрнатилиши керак. Шунингдек, пайванд аппаратлари, трансформаторларнинг корпуслари, пайвандловчи конструкциялар ерга уланиши даркор.

Гарчи ҳаётимизни турли хавфлардан асраш учун тегишли идоралар томонидан ҳар бир масалага оид хавфсизлик қоидалари ишлаб чиқилган бўлсада, айримлар бунга юзаки қарайди. Бу эса нафақат бир кишининг, балки атрофидагиларнинг ҳам ҳаётига хавф солиши мумкин.

**Ағзам ХУСАНОВ,**
**Миробод тумани ЁХБ инспектори, сержант**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **12 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 22-24 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 435

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9804 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345